

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ПАРТИЯЛАР ПЛЕНУМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Тошкент шаҳрида 15 январь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С. Турдиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар Конституция-миз ҳамда сайлов қонунчилигимиз талабларига мос, умум-эътироф этилган халқаро андозалар даражасида ташкил этилганини таъкидлади.

Сайловлар натижасига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари парламент куйи палатасида энг кўп – 52 ўринга эга бўлди. Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларида 305, туман (шаҳар) Кенгашларида 1805 депутатлик ўрни эгаллаб, парламентда Франция, жойлардаги вакиллик органларида депутатлик гуруҳлари шакллантирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга тадбир – 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Унда партиядан номзод кўрсатиш хусусидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислам Абдуганиевич Каримов номзоди кўрсатилди. Йиғилиш иштирокчилари бу таклифни бир овоздан маъқуллади.

Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистон дунёда ўз обрў-эътибори ва маънавиятига эга, барча соҳада изчил ривожланаётган мамлакат сифатида тан олинди. Хусусан, ўтган даврда иқтисодиётимизнинг қарийб 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 марта ўсгани, одамларнинг даромадлари 8,7 баробар кўпайгани ана шундай ижобий ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Анжуманда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши сайлов қонунчилигида кенгаши раиси Н. Умаров ва бошқалар мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, барча соҳаларни изчил ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланган кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўтган даврда миллий сайлов тизими жаҳон талабларига мос тарзда такомиллаштирилди. Мамлакатимизда сайловлар кўп-партиялик асосида амалга оширилмоқда.

Пленумда "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши масаласи муҳокама қилинди. Мазкур сайловга тайёргарлик ишларини кучайтириш, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш, партия қурултойини қақриш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Наримон Мажитович Умаров номзодини кўрсатиш таклифи қилинди. Мазкур таклифни пленум иштирокчилари қўллаб-қувватлади. Партия уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш партия қурултойи томонидан амалга оширилади.

Шу кунги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С. Отамуродов ва бошқалар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча жабҳаларни янада раванак топтиришда муҳим босқични бошлаб берди. Бу хижатлар миллий сайлов тизимимизни жаҳон андозалари талабларига мос тарзда такомиллаштириш, сиёсий партиялар учун имконият ва ҳуқуқларнинг яратиб берилганини ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва жойлардаги вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлардаги фаол иштироки давлат ҳокимиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Хотамжон Абдурахмонович Кетмонов номзоди кўрсатилди. Бу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

Тошкент шаҳрида 16 январь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси Н. Умаров ва бошқалар мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, барча соҳаларни изчил ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланган кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўтган даврда миллий сайлов тизими жаҳон талабларига мос тарзда такомиллаштирилди. Мамлакатимизда сайловлар кўп-партиялик асосида амалга оширилмоқда.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг аввалги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломов жамоатчилик орасида обрў-эътиборга эга бўлган кишилардан округ сайлов комиссияси аъзоллигига танлаб олинган номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг 2015 йил 13-14 январь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида муҳокама қилинганидан сўнг Марказий

сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рўйхати, манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рўйхати, манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рўйхати, манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рўйхати, манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Иқтисодиёт



«SUNGREEN TEX» – БОЛАЛАР УЧУН

Ангрен вилоятимизнинг йирик sanoat маркалари-дан саналиб, Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқтаси – водий билан республикамизнинг кўплаб ҳудудларини боғловчи кўприк сифатида бошқа sanoatлашган маркалардан кулай географик жойлашуви билан фарқ қилади.

Давлатимизнинг тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш, айниқса, хориқлик сармоия-дорларга кўшимча имтиёз ва кулай шароитлар яратиш борасидаги саяё-ҳаракатлари натижасида худудда янги ишлаб чиқариш қувватлари, хусусан, хориқий давлатлар билан ҳамкорликдаги кўшма корхоналар

тобора кўпаймоқда. Эътиборлиси, йил сайин ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ортиб бораётган кўшма корхоналарнинг аксариятида маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи, сифатли ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган. Буни трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга их-

тисослашган "Sungreen tex" кўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Болалар учун 30 дан ортиқ турда кийим-кечаклар тайёрлаётган мазкур корхона хориқий етакчи фирмаларнинг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигида ташкил этилган корхонада ҳозир 110 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

– Коллежда тикувчиликдан олган сабоқларим бу ерда кўл келмоқда, – дейди ёш ишчи Ширин Жўрақуло-

ва. – Ҳамкасбаримнинг аксарияти тенгқурларим экани мени қувонтирди. Улар билан тезда дўстлашиб кетдик.

Корхонада кунига буюртмага асосан 8 мингдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Маҳаллий хом ашёдан пишиқ ва сифатли тикилган маҳсулотнинг асосий қисми МДҲ давлатларига экспорт қилинаётган, қолгани эса корхона дўконидан сотилмоқда.

Авазбек ИСРОИЛОВ,
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Жараён

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНING АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу йил 13-14 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган сайлов якунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мос аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида очик ва ошқора ўтганини таъкидлади. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолат қайд этилмади.

Сенат аъзоллигига номзодлар Оқсоқоллар кенгашлари томонидан маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хиз-

мат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан кўрсатилди.

Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган аъзоларни қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олди.

ЎЗА.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

УЛАР ДОИМО ИЗЗАТДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, нурунийларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштирилди, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Унга кўра, фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиб, йилига бир марта ўзлари учун мақбул мuddатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди.

(Давоми 2-бетда).

СЕНАТОРЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 58-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, шунингдек, 2015 йил 13-14 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги давлат ҳокимияти

вакиллик органлари депутатларини тегишли қўшма мажлислари баённомаларига асосан Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра Тошкент вилоятдан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинди:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
1.	Баратова Сайёра Раҳматовна	1960	Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори	Юқори Чирчиқ тумани
2.	Варисова Максуда Азизовна	1961	Зангиота тумани "Назарбек" қишлоқ врачлик пункти мудири	Зангиота тумани
3.	Насиров Ренат Усманович	1954	"Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти Қалмоққир кон бошқармаси, Шарқий карьеры бошлиғи	Олмалик шаҳри
4.	Норбўтаев Равшан Мамараимович	1972	Янгийўл тумани ҳокими	Янгийўл тумани
5.	Пирматов Рашид Хусанович	1964	"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти муҳандислик маркази раҳбари – бош муҳандис ўринбосари	Бекобод шаҳри
6.	Усманов Аҳмад Тугилович	1957	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри

Тўқликка шўхликми?

Инсон лаззатли таомларсиз яшаши мумкин, лекин онсиз яшай олмайди. Нон – Аллоҳнинг инсон зотиغا берган энг буюк неъмат, она табиатнинг энг улуғ иъоми. У – неъматлар султони, инсониятнинг буюк кашфиёти. Она сундан кейинги энг тўйимли озиқа. Тўю-маърака ва меҳмондорчилик файзи, кўрки нон билан.

Қадимий манбалардан келтирилишича, нон шу ҳолига келгунча, олтиш кўлдан ўтар экан. Уни увол қилмаслик, тескари кўймаслик, устидан ҳатлаб ўтмаслик, ерга тушиб кетса, олиб, юз-кўзга суртиш, увогини териб, оғизга солиш каби одатларимиз ноннинг қанчалар азиз неъмат эканини аниқлатади.

НОВВОЙ БЕЗЪ ТИБОР БЎЛСА...



Ўтмишда қурғоқчилик, қимматчилик, очлик ва қаҳатчиликлар кўп бўлган. Кўплаб одамлар, айниқса, ёш болалар бир тишлам нонга зор бўлиб, очликдан қирилиб кетган даврлар ҳамон ёдимизда. Урушдан омон чиқиш мумкин, лекин очликдан қутулиб бўлмайди. Ўлиб қолмаслик учун кунжара ҳам еганмиз.

"Бир очликнинг бир тўқлиги бўлади" деганларидек, яхши замонлар келиб, тўқинчилик бўлувдики, айримлар ўтган кунларини унутдилар. Исрофгарчилик авж олиб, чикиндилар орасидан қоп-қоп нон териб олинганига гувоҳ бўлганмиз. Бир шоир "Нон" шеърини шундай ёзганди: *Ўғлим, нонни ерга ташлама! Ҳурмати зўр, қадри зўр ноннинг.*

Замирида тоғдек беқибс Меҳнати бор бободехқоннинг.

Ўғлим, нонни ерга ташлама! Ташланган нон

кўзини кўр қилур, Ерда ётган нонни кўтарсанг, Мартабангни баланд,

зўр қилур.

Исрофгар қанчалик бой бўлмасин, кунни келиб, албатта, камбағалга айланеди. Шамни кундузи ёқиб, тунни қоронғида ўтганидек, исрофгарларнинг бири икки бўлмайди.

Шукроналар бўлсинки,

мустиқиллигимиз шарофати билан тўй ва бошқа маросимлардаги ортиқча дабдабозлик ва исрофгарчиликлар камайиб, нонга эътиборсизлик ҳам бир мунча чек қўйилди. Афсуски, ҳаёт фаровонлашиб, тўқин-сочинлик бошлангач, яна исрофгарчилик кўзга ташланиб қолди. Нон исрофгарчилигига қарши курашни аввало новвойларнинг ўзларидан бошлаш жоиз. Чунки нон қанча сифатли бўлса, исрофгарчилик шунча камайди.

Ривоят қилишларича, бир кун Хусайн Бойқаро: "Дунёдаги энг яхши хидни келтиринг", деб буюрибди. Мулозимлар энг хушбўй нарсаларни келтиришса-да, бирортаси ёқмабди. Шунда сарой аҳлига уч кун муҳлат бериб: "Тополмасаларнинг ҳаммангни жазага тортаман" дебди. Вазирлар Алишер Навоийнинг хузурига бориб, нажот сўрашибди. Навоий

эса бир бободехқондан эшитган гапни эслаб, Султonga тандирдан узилган бир сават иссиқ нон олиб борибди. Бир зумда саройга ажиб ёқимли хид тарқалиб, ҳаммангни дилини яшатиб юборибди.

– Раҳмат, дўстим, – деб-рди Хусайн Бойқаро қувониб, – кўнглим янги ёпилган нон исини истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган нон исидан кўра ёқимлироқ хид йўқ экан.

– Султони, раҳматни мен-

га эмас, деҳқонбобога айтинг, кўнглингиз хоҳишини шу киши топди, – деб жавоб берибди Алишер Навоий.

Афсуски, шундай улуг неъматни тайёрлашда эътиборсизлик қилиб, фақат даромад кетидан қувиб, сифатсиз, ичи говак, ушатаман десангиз резинадек чўзилдиган, чайнаш ва ҳазм қилиш қийин нонлар кўпайиб бораётгани ачинарлидир.

Айрим новвойхоналардаги антисанитария ҳолати, ёлланма ишчиларнинг гигиена

қоидаларига риоя қилмай хамир қориши ва нон яшларини кўрган одам, у қанчалик чиройли ёпилмасин, хариб қилишга оғинади.

Туну кун машиналар катнови тинмайдиган чанг кўчаларда нонни усти очик ҳолда сотиш ушбу азиз неъматга ўта ҳурматсизликдир. Фақат пулни, даромадни деб шундай қилаётган новвойлар ҳам оз эмас.

Қадимги Римда новвойлар ўртасида мусобақалар ўтказиш одати бўлган. Лаззатли, бўрсилдоқ, хиди ёқимли нон ёпган ва муносоиб шогирдлар етиштирган энг яхши новвойга бундан икки минг йил муқаддам бронзадан ҳайкал ўрнатишган ва у ҳанузгача Рим шаҳри хиебонларидан бирида сақланиб қолган. Сифатсиз нон ёлганларга эса тегишли жазо чораси кўрилган.

Ўн беш минг йиллик тарихга эга бўлган нон ҳақида, уни тайёрлашдаги мураккаб жараёнлар, исроф қилмаслик йўллари, ортган нонлардан турли таомлар тайёрлаш усулларини фарзандларга ўргатиш, қолаверса, қалбларда бободехқон меҳнатига меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш баркамол авлод тарбиясида муҳимлиги шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, эл тўқлиги, юрт фаровонлиги, дастурхонимиз кўрку файзи – нонни эъзозлаш, унинг уволдан кўркиш кучли эътиқод ва покиза имон белгисидир.

Эркин ҒУЛОМОВ,
республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, меҳнат фахрийси.

Bolalik bog'i

TO'RT OPA-SINGIL

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim zamonda, yer shari endi yaralgan vaqtga to'rt opa-singil – Bahor, Yoz, Kuz, Qish dunyoga kelibdi. Ular butun yer yuzini aylanib, har bir shaharni, har bir mavjudotni navbatma-navbat tomosha qilishga va bir yildan keyin Oy va Quyosh kechayu kunduz nur sochib turadigan Mo'jizalar mamlakatida uchrashishga qaror qilishibdi. Bir yil davomida olamni kezib, yana shu yerga to'p-lanishibdi. Shunda to'ng'ich qiz Bahoroy so'z boshlabdi:

– Men kezzan yerlarda inson deb atalmish yangi mavjudot paydog bo'libdi. Men uning yuragiga go'zallikni singirdim. Atrofdagi daraxtlarga guldan ko'ylak tikdim.

Shunda Yoz:

– Ha, men ham inson degan zotni ko'rdim. Uni o'zimgin qaynoq quyosh qalbidam toblab yuragiga mehru-muhabbat, sabr-toqatni jo etdim, daraxtlarga o'zgacha libos kiydirdim. Ularni yashil to'n bilan siyadim. Tog'larni yig'latib, qorlarni eritib, daryolarni raqsga tushirdim, – debdi.

So'ng Kuz sayohatdan olgan taassurotlarini opa-singillariga aytibdi:

– Men insonlar qalbiga mehnatni singirdim. Yoz opam kiydirgan yashil to'nni oltinga burkadim. Yam-yashil maysalar uzra oltin tangalar sochdim.

Navbat shaddod qiz Qishga kelibdi. Shunda u:

– Agar insonlar qalbiga faqat yaxshi hislar o'rnatmasa, ular oqlikning qadriga etarmidi? Men

ularning qalbiga ozgina yovuzlik qo'shdim. Maysalarni muzlatdim. Ammo bu dunyo faqat yovuzlikdan iborat deb o'ylashmasligi uchun atrofini oppoq rangga burkadim, – debdi.

Opalari: "Voy ahmoq qiz-ey, nahot o'ylamagan bo'lsang, yovuz qalbdan, yovuz istak, yovuz niyat, yovuz maqsad tug'ildi", deyishibdi. Qish esa: "O'zingning kimligini bilgan inson qo'ldan yomonlik kelmaydi. Men tabiatning mo'jizaviy kitobiga kimki o'zidagi yomon xulqini, yovuz tuyg'ularini yengishga kuchi yetmas ekan, u umrbod baxtsiz bo'ladi, deya yozib qo'ydim. Yaxshilar yomonlarni ko'rib, ibrat olishadi, yomonlik qilishmaydi va siz yaratgan narsalarning qadriga yetishadi", debdi.

Shundan buyon opa-singillar har yili dunyoni aylanib, qishning eng qahraton va sovuq kunlaridan birida uchrashib, barcha ko'rgan-bilganlarini gapirib berishar va insonlar xatti-harakatiga chora ko'rishar ekan. Ularning qo'lida barcha insonlarning ism-sharifi yozilgan mo'jizaviy kitob bo'lib, ular qilayotgan yaxshi va yomon ishlar yozib borilarkan. Dunyodagi eng yaxshi odamlarga esa fasllar baxt, omad, muhabbat, quvonchli kunlar, salomatlikni tuhfa etishar ekan.

Aziz do'stlar, keling faqat yaxshi ishlar qilyaylik. Toki, opa-singillar qeling yig'ilishlarida yaxshi insonlar qatorida bizni ham tilga olsa ne ajabi!

Dilnavoz NAJIMOVA,
Chirchiq akademik litseyi o'quvchisi.

Рассом хандаси

Изоҳга ҳолат йўқ.



caricatura.ru



Бу йилги киш одатдагидан иликроқ ўтмоқда. Чилланинг қоқ ўртаси бўлса-да, ҳали тайинли қор ёгани йўқ. Лекин вилотимизнинг тоғли ҳудудлари оппоқ қорга бурканган. Қиш фаслининг бор зийнати кўз-қўз қилаётган бу масканлар дам олиш кунлари шаҳарликларни ўз бағрига қорламоқда.

Эгрилик ҳамиса панд беради

Кўнглининг кўчалари кенг, ammo бирдек текис эмас. Эгри кўнглининг қийин кўчасига кириб қолдизми, тамом, борган сари ботқоқига тортавереди, ғойибдан келаётган текис бойлик қанча бўлса ҳам кам кўринаверади.

Зангиота туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 37-мактабгача таълим муассасаси мудираси Нигорахон Омонова ҳам кўнглининг эгри кўчасига қадам қўйди-ю, борган сари кўпжумлиқ манфаатдор бўлиш йўллари излай бошлади. Бу кўнгли ишга муассаса хўжалик мудираси Гулнора Абдурахмоновани ҳам жалб этди.

Икки ҳамтовок ишни фуқаролар Ш. Юнусова, Ф. Махмудова, З. Мадалиева ва Д. Карганбоевани ишга қабул қилинди деб сохта буйруғу қалбаки табеллар тузиб, 2012 йилдан 2014 йилгача 4 миллион 752 минг 92 сўм давлат бюджет маблағини ўзлаштиришдан бошлади. Н. Омонова бундоқ қараса, иш силлиқ кетаяпти.

Чўнтакка кираётган мўмай маблағлар унинг бошини чунонам айлантдики, кетма-кет жиноят содир этишдан ўзини тибламай қолди. Яна Г. Абдурахмонова билан тил бириктириб, уни 2012 йил март ва апрель ойларида

2014 йил апрель ойига қадар ишлаган синов даврлари учун 518 минг 200 сўм мукофот пули ёзиб, ишчи ходимларга тарқатди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддасида ўзаро

қандай истиснолар белги-ланмаган. Н. Омонова эса, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўғли И. Дилшодбековни 2012 йил 3 сентябрь куни тўлиқ моддий жавобгарлик асосида қоронув вазифасига, укаси

Кўнглининг боши берк кўчаси

мактабгача таълим муассасасида тикувчи вазифасида ишлагани ҳақида сохта буйруқ расмийлаштириб, давлат бюджетининг 257 минг 100 сўмини ҳеч нарса бўлмаган-дек чўнтагига жойлади. Н. Омонова бу билан чекланиб қолмади, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган давлат мулкини талон-торож қилишга ўтди. Маълумки, тузилган ўтди шартномасига асосан синов муддатиде ишлаётганларга мукофот пули берилмайди. Лекин Н. Омонова бунга кўз юмиб, қоронув вазифасига ишга қабул қилинган Б. Ҳамдамов ҳамда У. Олимов, М. Ҳақимова, И. Мўминова, Г. Алимовага 2012 йилдан

яқин қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-ука, опа-сингил, ўғил-қиз, эр-хотин, шунингдек, уларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат қорхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланиши, бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқмати томонидан белгиланиши мумкинлиги қайд қилинган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори 3-илова-сида мактабгача таълим муассасаларига нисбатан ҳеч

Ш. Исмоиловни 2012 йил 10 ноябрь куни ўт кўчуси ва 2013 йил 1 апрель куни тўлиқ моддий жавобгарлик асосида қоронув вазифасига ишга қабул қилиб, уларга 2014 йил 1 майга қадар 9 миллион 885 минг сўмдан зиёд бюджет маблағини олийк иш ҳақи сифатида бериб, давлатга моддий зарар етказган.

Ҳўш, муассаса раҳбарларининг давлат маблағларига муносабати шундай экан, келажакимиз эгалари ҳисобланмиш жажжи болажонлар яйраб, соғлом бўлиб вояга етишлари қай даражада таъминланмоқда? Минг афсуски, бу борадаги аҳвол ҳам қувонарли эмас. Туман ДСЭНМ муассаса ошхонаси

рлиди. Бу ерда таъкидлашларича, тергов ҳозирнинг ўзидаёқ гумондорлар айбини тасдиқлайдиган далилларга эга. Ушбу жанжалли ҳол ўтган йилнинг декабрида Густаво Перес Исроилдан жосуслик мақсадларида қўлланиладиган техника хариб қилганидан сўнг бошланди. Бу техника электрон ҳамда уяли телефон алоқаларини кузатиш имконини беради. Уша пайтда маҳаллий матбуот Перес мамлакат президенти Рикардо Мартинеллининг кўрсатмасига биноан ҳаракат қилгани ҳақида ёзган эди. Перес ва Гаруснинг ўзлари эса хариб қилинган техникадан фойдаланмаганларини таъкидлашмоқда.

ДАРСЛАРГА... КУРОЛ БИЛАН
Покистоннинг шимоли-ғарбий вилотида эркак ўқитувчиларга дарсларга курул билан келишга рухсат берилгани ҳақида хабар тарқатди GEO TV телеканали.

Пешавар шаҳридаги харбий билим юртида юз берган террорчилик хуружи жараёнида 150 га яқин киши ҳалок бўлганидан сўнг шундай хавфсизлик чорасини кўришга мажбур бўлинмоқда. Хайбер-Пахтунхва вилотида ўқитувчиларга рўйхатдан ўтказилган куруллар билан ишга қатнашга рухсат этилди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашига қараганда, минтақадаги 30 минг ўқув муассасасининг ҳаммасида маҳаллий ҳокимият кучи билан хавфсизликни таъминлашнинг иложи йўқ.

Маълумки, ўтган йилнинг 16 декабрида қуролланган кишилар Пешавардаги харбий билим юртига бостириб кириб, 500 курсант ҳамда ўқитувчиларни гаровга олдилар. Махсус хизмат ходимлари билим юртига ҳужум қилиб, террорчиларни йўқ қилдилар. Ушбу теракт давомида 150 киши қурбон бўлди.

Хайбер-Пахтунхва Покистоннинг энг камбағал вилотларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида толибонлар фаол ҳаракат қилишади.

БАНГЛАДЕШДА
ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК
"Синхуа" агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Бангладешда давом этаётган тартибсизликлар жараёнида қанчада 17 киши ҳалок бўлди.

Тўққиз кундирки, мамлакатда транспорт блокадаси давом этмоқда. Ушбу норозилик блокадасини мамлакатнинг собик бош вазир Бегим Халид Зиё бошлиқ мухолифатчи миллий партия ҳамда "Жамоати ислом" исломпараст партияси уюштирди. Мухолифатчилар мамлакатнинг турли жойларида автомашиналарни ёқиб юбормоқдалар. Оқибатда тўрт йўловчи ҳалок бўлди, 11 киши жароҳатланди. Блокада қурбонлари сони ортиб бормоқда.

Мухолифатчилар ҳукуматдан парламентга муддатидан илгари сайлов ўтказишни талаб қилмоқдалар. Гап шундаки, ўтган йилнинг январиде Шайх Хасин бошлиқ ҳужмдор халқ лигаси парламент сайловларида ғолиб қилиб, ҳукуматни тузган эди. Бирок, мухолифатчилар ушбу овоз бериш натижаларини тан олмай, уни ноқонуний деб баҳоладилар.

Интернет хабарлари
асосида тайёрланди.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</p>	<p>Маърузилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru</p>	<p>Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлари: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.</p>	<p>Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУДҲАЕВ</p>
---	--	--	---	--	--